

ИНФОРМАЦИОН ХУРУЖЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРҒИБОТНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАЛАРИ

*Чирчиқ ОТҚМБЮ “Ҳарбий психология” кафедраси
катта ўқитувчиси подполковник*

Хасонбоев Бекзоджон Валижонович

Бугунги воқелик мустамлакачилик сиёсатида асос бўлган мафкуралар ҳали завоқ топмаганини кўрсатмоқда. Хуллас, айтиши мумкинки, инсоният жиддий танлов олдида турибди. Дастлабки пайтларда асосан ижобий жиҳатдан баҳоланган глобаллашув, вақт ўтгач, танқидга учрай бошлади. Инсоният бу жараёни тўғри ўзганга буюрса, охир – оқибат ўзи унинг қўлидаги ўйинчоққа айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Чунки кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнлари жаҳон тараққиётининг ҳозирги пайтдаги муҳим хусусиятларидан бири эканини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафакуравий таъсир кўрсатиши воситаси эканини ҳам унитмаслик даркор.

Бугунги кунда глобаллашув кўп муҳокама қилинаётган ва энг бахсли муаммолардан бирига айланган. Кўплаб анжуманлар, мунозаралар, нашрларда бу муаммо олимлар, сиёсатчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, тадбиркорлар, маданий ходимлар, диний арбоблар томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда. Бунда глобаллашув жараёнининг турли жиҳатлари – унинг мазмун моҳияти, қачон бошланган, кўринишлари, ижтимоий ҳаётдаги бошқа жараёнларга таъсири, ижобий ва салбий оқибатлари каби масалалар кўплаб баҳсларга сабаб бўлаётир. Бу борадаги фикрлар, ёндашувлар ва баҳоларнинг ранг – баранглиги мазкур масаланинг барча жиҳатлари ва қирраларига ойдинлик киритилганини аниқлатмайди. Аксинча, бу муаммо ечими жиддий таҳлилга, чуқур ва атрофлича мушоҳодага муҳтожлигидан дарак беради [6.45 бет].

Айримлар глобаллашувни тарихан истиқболли санаб, мамлакатлар ривожига ва раванқига туртки бўлишини уқтирсалар, бошқалар, уни озчилик учун қулай ва манфаатли бўлган, аммо бутун – бутун халқларни қошшоқликка маҳкум этаётган жараён сифатида баҳоламоқда. Фикрлар шунчалар хилма – хилки, кимдир глобаллашувни сўзсиз маъқуллаб, у бераётган неъматларни мақтаса, яна кимдир бу жараёни империализмнинг янги шакли сифатида кескин танқид қилади. Кимдир глобаллашувда умумий

таракқиёт ва тинчликнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучини, яна кимдир ўз ҳаётий манфаатлари ва дунё тинчлигига ҳафни кўради.

Гарчи глобаллашув жараёнининг илк илдизлари тарих қаъридан ўрин олган бўлса – да, у XX аср ҳодисаси саналади. “Совуқ уруш”нинг тугаши ва икки қутибли дунёнинг барҳам топиши жаҳон майдонида глобаллашув жараёнларининг шакилланиши, айниқса, унинг иқтисодий негизлари ривожини учун кучли туртки бўлди. Икки ижтимоий иқтисодий тузум – капитализм ва социализмнинг қарама – қаршилиги тугатилиши билан глобаллашув жаҳон таракқиётининг устивор йўналишига айланиб қолди. Шу нуқтаи назардан қараганда, барча омиллар глобаллашув табиий ва объектив жараён эканини кўрсатмоқда охириги ўн йилликда глобаллашув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, инсоният таракқиёти давомида бир қанча ахборот инқилоблари содир бўлган. Улар жамият ҳаётида сифат ўзгаришларини келтириб чиқарган. Илк ахборот инқилоби ёзувининг кашф этилиши билан боғлиқ бўлиб, улкан сакрашга сабаб бўлган. Негаки авлоддан авлодга билимларни узатиш имкониятини яратган [8.65 бет].

Иккинчи инқилоб гуттенбергнинг номи билан боғлиқ бўлиб, XVI асрнинг ўрталарида оммавий китоб босишнинг ихтиро этилиши оқибати юз берган. Бу кашфиёт жамият, маданият, тафаккурнинг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Учинчи инқилоб XIX-асрда электр қувватининг ихтиро этилиши таъсирида юз берган бўлиб, бунинг шарофати ила 1847 йилда телеграф, 1870 йилда телефон, 1895 йилда радио, 1922 йилда симсиз телеграф, 1930 йилда телевидение пайдо бўлди. Бу воситалар ҳар қандай миқдордаги ахборотни тўплаш ва тезкор узатиш имконини берди. 1946 йилда яратилган радиотелефон тизими кейинчалик мобил алоқага асос бўлиб хизмат қилди.

Тўртинчи инқилоб XX-асрнинг 70 йилларида юз берди шахсий компьютерлар пайдо бўлди. Бу ахборот инқилоби инсон ва жамият борлигини тубдан ўзгартириб юборди. У вақт ва маконни “сиқди”, географик

ва вақт билан боғлиқ тўсиқларни емирди, чегараларни очиб ташлади, дунёнинг исталган нуқтаси билан мулоқот қилиш имконини яратди, фаолият турларининг мазмунини ўзгартирди. Илгари амалга оширилишига ойлар ва йиллар сарфланган ишлар энди санокли кунлар ва дақиқаларда амалга оширила бошлади. Янги шароитда “ҳудуд” ва “масофа” тушунчалари ўзининг аввалги мазмуни ва аҳамиятини йўқотди.

Компьютер технологияларининг жадал ривожланиши ахборотлашган жамиятга оид қарашларнинг ривожига туртки бўлди. Таъкидлаш жоизки, ахборот инструкцияси тараққий топган мамлакатлар “ахборотлашган жамият” номини олмоқда. Бу мамлакатларда телекоммуникациялар ва компьютер тизимларидаги инновацияларни қўллаб – қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишини ташкил этади [2.55 бет].

Даниел Белл ахборотлашган жамиятнинг муҳим бир жиҳатига урғу беради. Унинг ёзишича, “билимларнинг тизимга солиниши инновация омили ҳисобланади, бундай билимлар “жамоавий бойлик”ка айланади, чунки барча инсонлар очиқ бўлади”. Ҳақиқатан ҳам ахборотлашган жамиятда бир инсоннинг ақл – идроки, қувватига умуминсоний ақл – заковат қудрати қўшилади. Ахборотлашган жамиятда:

- оммавий ахборот воситаларининг жамиятга таъсири янада ортади;
- ахборот технологиялари инсонлар ва ташкилотларнинг шахсий, хусусий ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлади, масалан, мамлакатнинг истаган фуқароси ҳақида ахборот тўплаш ва унинг эркинлигини бўғиш йўлида бу маълумотлардан фойдаланиш мумкин бўлади;
- ахборот технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланиш имконияти ортади;
- сифатли ва ҳаққоний ахборотни танлаб олиш муаммоси юзага келади;
- кўпчилик кишилар учун ахборотлашган жамият муҳитига мослашиш мураккаблик туғдиради;

- ахборот технологияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган кишилар билан истеъмолчилар ўртасида узилиш юзага келиш ҳавфи туғилади;

- жамиятнинг технологик имкониятлари билан социал соҳани ва маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ имкониятлари ўртасида тафовут пайдо бўлади.

Ахборотлашган жамиятга ўтиш босқичида ҳар бир инсонда муайян даражада ахборот маданияти бўлиши талаб этилади. Бунда замонавий воситалар ва технологиялар ёрдамида катта ҳажмдаги ахборотни тез қабул қилиш ва қайта ишлаш муҳим аҳамият касб этади. Ахборот маданияти – ахборот билан мақсадли ишлай билиш, уни топиш, қайта ишлаш ва тарқатиш мақсадида компьютер технологияларидан, замонавий техник воситалардан фойдалана билишдир. Ахборот маданияти инсоннинг ижтимоий табиатига боғлиқ бўлади, унинг ижодий қобилиятлари маҳсули саналади ва кўйидагиларда ўз ифодасини топади:

- техник қурилмалар (телефон, компьютер, ахборот тармоқлари)дан фойдалана билиш;

- ўз фаолиятида кўп сонли дастурий маҳсулотлар жамланган компьютер техникасини қўллашга қодир бўлиш;

- турли манбалар: даврий нашрлар, электрон коммуникациялардан ўзи учун керакли ахборотни олиш, уни тушунарли тарзда тақдим этиш ва ундан самарали тарзда фойдалана олиш;

- ахборотни таҳлилий қайта ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- турли ахборотлар билан ишлаш малакасига эга бўлиш;

- ўз фаолият соҳасида алоқадор ахборот оқимларига хос хусусиятларни билиш;

- информацион бағрикенглик ва информацион фаоллик.

Бу кўникмалар инсонга атроф – муҳитни самаралироқ ўзлаштириш, касб малакасини ошириш имконини беради, ўз устида ишлаши, турли моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириши учун шарт – шароитлар яратади.

Глобблалашув ва янги халқаро ахборот тартиби шаклланаётган бир шароитда деярли тўрт аср аввал машхур инглиз файласуфи Френсис Бэкон томонидан айтилган **“Қимки ахборотга эгалик қилса, у дунёга эгалик қилади”** деган сўзлар янгича мазмун касб этмоқда [3.22 бет].

Глобаллашув жараёнининг амал қилиш кўлами иқтисодий ва сиёсий макон билан чекланмасдан, соціо – маданий соҳани ҳам қамраб олмоқда. Бир қарашда, шахс дунёқарашининг кенгайиши, дунёни билиш имкониятларини ортиши интеллектуал ривожланиш сифатини яхшиланишига, маданий айрибошлашнинг бойишига, инсонларнинг самарали ўзаро таъсирини йўлга қўйишга инсони ижодий салоҳиятини эркин ривожлантиришга шарт – шароитлар туғдирмоқда. Бироқ илғор коммуникация воситалари туфайли маданий ва ахборот айрибошлашнинг жадаллиги ва шиддати бир неча маротаба кучайиб, ягона миллий маданиятни сақлаб қолишга уринишлар самарадорлигини пасайтириб юбормоқда. Маданий соҳадаги глобаллашув масаласи таҳлилига ўтишдан аввал, социолог олим И.Валлерстайннинг қуйидаги фикрини келтириш ўринлидир: “маданият доимо кучлиларнинг қуроли бўлган”.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008. – 50 б.)
2. Ш. Ғуломов, Миллий матбуотимизда янги босқич. //Ўзб. матбуоти, 2010 й
3. Қонун устиворлиги – бош вазифа. //Ўзб. матбуоти, 2009 йил, 6-сон, 18 б.)
4. Ахборотлашган жамиятда ОАВ ўрни. //Моҳият, 2008 йил 26 сентябрь.)
- 5.Н. Жабборов Н. Буюк ўзгаришлар албатта буюк натижалар беради. Пиримқул Қодиров билан суҳбат. (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010 йил 23 апрель.)
6. А.Очилдиев, Ахборот ва жамият тараққиёти. /ЎР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурулиши академияси жорий архиви, 2006.
8. О.Ўсаров, Ахборотлашаётган жамият талаблари: қонун, ижро, масъулият. Ўзбекистон матбуоти, 2008 йил 3- сон, 7-9 б. Дўстмуҳаммад Х. Глобаллашув даври ва ахборот макони. (Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 3-сон, 12-14 б.)